



300, Samarqand viloyati, Samarqand tumani, Gulobod qo'rg'oni.
Tel.: +998(366) 612-55-31, faks: +998(366) 612-55-90

140300, село Гулабад, Самаркандского района, Самаркандской области
Тел.: +998(366) 612-55-31, факс: +998(366) 612-55-90

2015 у.г. «12» август

№ 1034-К

Фуқаро Тухсанов Уткурга енгил конструкцияли яхна ичимликлар сотиш дўкони қуриш учун ер майдони ажратиш тўғрисида

Туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссия йиғилишининг баённомаси, Давлат экологик экспертизасининг 2015 йил 04 августдаги 1318-сонли хулосаси, ҳамда фуқаро Тухсанов Уткурнинг туман ҳокими номига ёзган аризасини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси «Ер кодекси»нинг 23 моддасига асосан,

ҚАРОР ҚИЛАМАН

1. Туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссия йиғилишининг баённомаси ҳамда ишчи руҳ томонидан тузилган ер танлаш далолатномаси тасдиқлансин.
2. МЧ “Чордара-агротехсервис” агрофирмаси ер харитасининг 481 контуридан фуқаро Тухсанов Уткурга енгил конструкцияли яхна ичимликлар сотиш дўкони қуриш учун жами 24 кв.м (шундан: 24 кв.м туман захирасидаги қишлоқ жерлигида фойдаланмайдиган) ер майдони ажратилсин.
3. Ушбу қарор қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг «Солиқ кодекси»га асосан ер солиғини ундириш ва 2016 йил январ ҳолати ер балансига ўзгартириш киритиш туман Давлат солиқ инспекцияси (Ж. Хўжамуродов) ва туман Ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими (З. Олимов)га топширилсин.
4. Енгил конструкцияли яхна ичимликлар сотиш дўкони қуришдан олдин, Ўзбекистон Республикаси “Шаҳарсозлик кодекси”нинг 8, 39 ва 54-моддаларига асосан қилган ҳолда, А.Р.Т. лойиҳа смета ҳужжатларини тайёрлаш вазифаси фуқаро Тухсанов Уткурга топширилсин.
5. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари К. Қурбонов зиммасига юклансин.

Туман ҳокими

Б. Кадиров